***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

# ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Миллий армиямиз сафларини бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук ва ҳар қандай шароитда мустақил фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдириш мақсадида ҳарбий таълим соҳасида ислоҳотлар олиб борилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низом тасдиқланган эди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ жорий йилнинг 2 февралида Мудофаа вазирининг буйруғига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқланди.

Айни пайтда Мудофаа вазирлиги томонидан олий ҳарбий таълим муассасаларида мазкур ҳужжат асосида номзодларни ўқишга қабул қилиш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Анжуманда шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Мудофаа вазирлигининг ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармасининг масъул ходими, подполковник Козимбек Ҳайдаровнинг таъкидлашича, эндиликда интеллектуал ривожланган ва ҳар томонлама тайёрланган ёшлар олий ҳарбий таълим муассасаларига ҳарбий-профессионал йўналиш, дастлабки танлаш, ҳарбий-профессионал танлаш ва тест синовларини назарда тутувчи танлов асосида комплекс равишда босқичма-босқич саралаб олинади.

Ҳарбий-профессионал йўналиш касб танловчининг шахсий майллари, қизиқишлари ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларга ҳарбий касбга қўйиладиган талабларни ва бу касбни онгли танлаш лозимлигини тушунтириш ҳамда мутахассисликни танлашда ёрдам беришга қаратилган.

Дастлабки танлаш олий ҳарбий таълим муассасасига киришга қарор қилган фуқаро ёки ҳарбий хизматчига тегишли маълумотларни, унинг таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражасини, индивидуал-психологик хусусиятларини, жисмоний тайёргарлиги ва соғлиғи ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганишга қаратилган.

Ҳарбий-профессионал танлаш босқичида номзоднинг психофизиологик хусусиятлари, соғлиғи, умумжисмоний тайёргарлиги, билим даражаси қайтадан кўриб чиқилади ва шундан сўнг якуний суҳбат ўтказилади. Якуний суҳбатдан сўнг номзодларга тест синовларини топшириш учун рухсат берилади.

Тест синовлари олий ҳарбий таълим муассасаларининг таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда номзодларнинг умумтаълим даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади. Номзодлар тест синовларини ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирини танлаган ҳолда топширишлари мумкин. Бундан ташқари, номзодлар умумтаълим муассасаларида инглиз, немис ёки француз тилларини ўқиган бўлса, чет тили бўйича ҳам тест синовларини топширадилар.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда айни пайтда амалда қўлланиб келинаётган бир қатор имтиёзлар мавжуд. Масалан, халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолиблари, ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг фарзандлари тест синовларидан озод этилади. Сержантлар таркибида шартнома асосида хизматни намунали ўтаган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида имтиёз берилади. «Энг яхши сержант» танлови ғолиблари ҳам ўқишга танловсиз кириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳарбий-академик лицейларнинг битирувчиларига ҳам тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 10 фоизи миқдорида имтиёз берилган. Бундан ташқари, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тавсиянома олган фуқаролар тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзга эгадир.

Матбуот анжуманида соҳа мутахассислари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва унга мувофиқ тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳияти, олий ҳарбий таълим муассасалари ва уларнинг миллий кадрларни тайёрлашдаги ўрни, ёш авлодни офицерликдек шарафли касбга қизиқтириш йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳисоботлар юзасидан туман ҳокимликларига иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, муҳим мақсадли комплекс дастурлар ижросини фаоллар йиғилишида танқидий муҳокама қилиш, ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил этиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, туман ҳокимликларига корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, айниқса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг изчил ўсишини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт соҳасида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборган, зарар билан ишлаётган корхоналар сонини камайтириш ҳамда ушбу масалаларни ҳал этишда туманда ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолиятини жонлантириш вазифаси юкланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала муҳокамаси жараёнида касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тўлақонли бажарилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан қабул қилинган давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан масъуллиги белгилаб қўйилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

***Мамлакатимизда аҳолининг барча қатламларини малакали тиббий хизмат билан қамраб олишга, тиббиётнинг барча йўналишларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, стоматологиянинг инсон ҳаётида тутган ўрни эътиборга олиниб, даволашнинг самарали усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда.***

# ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

Соҳа мутахассислари салоҳиятини ошириш ва касбий малакасини бойитиш борасида махсус илмий-амалий семинар ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган стоматологларнинг халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманлари, съезд ва симпозиумлари, маҳаллий соҳа вакилларининг илмий изланишлари хорижий мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши, соҳанинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилди. Қарор асосида мамлакатимизда илк бор стоматология институти ва унинг филиалларининг ҳамда институт қошида Стоматология ва юз жарроҳлиги илмий-амалий марказининг ташкил этилиши, шунингдек, институтнинг аниқ белгиланган мақсад ва вазифалари салмоқлидир. Маълумки, соҳани ривожлантиришда давр талабларига жавоб берадиган етук мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ана шу мақсадда Тошкент Давлат стоматология институтида Республика стоматологлар ассоциацияси билан ҳамкорликда илк маротаба «Стоматологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуман стоматологиянинг турли йўналишларидаги касалликлар; Ўзбекистонда тиш имплантологиясининг ривожланиши; болалар стоматологиясидаги ютуқлар; стоматологик касалликларга янги фармакооцерапевтик ёндашувлар; Ўзбекистон стоматологияси соҳасида ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги усуллари; стоматология амалиётида фойдали қурилмалар ва кашфиётлар каби йўналишлар бўйича фаолият олиб борди.

Конференцияда стоматология йўналишида илмий изланиш олиб бораётган мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар олимлари, амалиётчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, стоматология йўналишида таҳсил олаётган илмий изланувчилар, магистрлар, клиник ординаторлар, иқтидорли талабалар қатнашдилар.

Илмий-амалий конференция материалларининг ўзбек, инглиз, рус тилларида илмий тўплам сифатида чоп этилиб, конференция қатнашчиларига тарқатилганлиги тажриба, фикр алмашинувига, изланувчиларга янги йўналишларни белгилашда, тарғибот ишларида қўл келади.

Конференция доирасида магистрлар, клиник ординаторлар, талабалар иштирокида «Энг яхши реставрация» танловининг якуний босқичи ўтказилди. Танлов ғолиблари сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**



*Пойтахтимизда «Дам олиш дунёси» халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.*

*Кўргазма «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

*Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда. Қадимий обидалар, хушманзара гўшалар бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, транспорт коммуникациялари изчил яхшиланмоқда.*

*Бугунги кунда мамлакатимизда 530 дан зиёд туроператор ва агентлик фаолият юритмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятларда «Radisson», «Lotte», «Ramada», «Wyndham» каби дунё миқёсида тан олинган отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда.*

**Ислом Исмоилов олган сурат**

# ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Пойтахтимиз борган сари кўркам ва чиройли шаҳарга айланиб бораётир. Сўнгги йилларда шаҳримизда қад ростлаётган бинолар ва иншоотлар, янги-янги йўллар ва йўл ўтказмалари Тошкентимизнинг янада гўзал ва бетакрор гўшага айланишига ҳамда улуғвор қиёфа касб этишига ҳисса қўшмоқда.***

Бу борадаги ишларда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг муносиб улуши бор. Улар томонидан амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги ишлар пойтахтимизнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этади.

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси 2010-2014 йиллардаги фаолияти давомида 68 та умумтаълим мактаби, 55 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, 12 та академик лицей, 35 та соғлиқни сақлаш объекти, 54 та мусиқа ва санъат ҳамда спорт мактаблари, 10 та «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари, еттита маданият ва аҳоли дам олиш марказларида капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини амалга оширди. Шу билан бирга, кўплаб ободонлаштириш ва йўл қурилишидаги ишларда бевосита иштирок этиб келаётир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мазкур компаниянинг фаолияти ва қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишлари самарадорлигига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

2014 йилда тасдиқланган қурилиш манзилли рўйхатига мувофиқ прогноз бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига 325 миллиард 584 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, ушбу маблағлар умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, болалар спорти объектлари, йўл қурилиши ва бошқа бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишга жалб этилган.

Жумладан, Бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан 61 миллиард 894 миллион сўм маблағ 18 та мактаб, 12 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей ҳамда 8 та соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишга сарфланди. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан тўртта объект фойдаланишга топширилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан бешта мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, спорт мажмуалари ва сузиш ҳавзаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қурилиш ишлари амалга оширилиб, барча объектлар фойдаланишга топширилди.

2014 йилнинг январь-декабрь ойлари даври мобайнида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 314 миллиард 102 миллион сўм ўзлаштирилди ва 73 та объект фойдаланишга топширилди.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

# РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРА БЕРАДИ

***Тошкент шаҳар Ўсмирлар диспансери ҳудудида баҳор келиши билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди. Диспансерда ҳафтанинг шанба, якшанба кунларида ҳамда ходимларнинг ишдан бўш вақтида ҳашарлар ўтказиб турилади.***

Муассасамизда жуда кўп ёш ходимлар ишлайди. Диспансерга мурожаат этаётган ўсмир-ёшлар кайфиятини кўтариш, уларнинг маданиятини ошириш мақсадида ҳудудимизда режали тарзда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Муассасанинг олд ва орқа фасад қисмига кўк ва қизил рангдаги райҳон кўчатларидан 4 мингта, турли ҳилдаги гул кўчатларидан 2,5 мингта, манзарали дарахтлардан 16 та, мевали дарахтлардан 40 туп экилди.

Муассасамиз бинолари атрофи, ариқлар ҳашар йўли билан тозаланди, йўлаклар тартибга келтирилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши таъминланган.

Ҳомийлар ёрдами билан йўлаклар ва диспансернинг олд қисмига 240 кв.м асфальт ёткизилди. Барча ҳудуд бўлимлар бўйича тақсимланган.

Бундай хайрли ишларни йил бўйи давом эттириб борамиз.

**Маҳбуба АРИФХАНОВА,**
**Тошкент шаҳар Ўсмирлар диспансерининг бош шифокори**

*Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

# СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 25-26-сон, 225-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда) 17-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) 353-сонли қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Сергели туманида 2015 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори в.в.б. (Л.Г.Закирлаева):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Сергели тумани ҳокимининг 2014 йил 27 майдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ҳақида»ги 373-қ-сонли қарори бекор қилинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Қарор лойиҳасининг ижроси юзасидан туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи бошлиғи ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Сергели туман тармоқ администратори (Р.Галеев)га «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.А.Шамуратов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими**
**Ф.Максудходжаев**

*2015 йил 12 март*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

Жасорат, бурч, матонат

# ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛМОҚДА

***Яшнобод тумани ҳокимлигида бир гуруҳ уруш ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалини топшириш маросими ўтказилди.***

Яшнобод туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман Мудофаа, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган маданий-маърифий тадбир «Жасорат, бурч, матонат!» шиори остида ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Яшнобод тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Арзой Идрисова, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси Махамаджон Зуфаров ва бошқалар тинчлик – энг улуғ неъматлиги, Юртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг рағбатлантирилаётгани замирида катта маъно мужассамлигини таъкидлаб, фахрийларни муборакбод этишди.

— Истиқлол йилларида Хотира ва қадрлаш куни чинакам умумхалқ байрамига айланди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яшнобод туман бўлими раҳбари Муқаддас Раззоқова. — Мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлмиш Президентимизнинг 2015 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда шу йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди. Туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларига кўтаринки кайфият улашиш мақсадида ташкил этилган байрам тадбирига туман ҳокимлиги бошчилигида кенг жамоатчилик жалб этилди.

— Кексалари эъзозланган юртда яшаётганимдан беҳад хурсандман, шу кунларга етказганига беҳисоб шукрлар қиламан, — дейди «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Содиқ ота Йўлдошев. — Ёшим 91 да, мен каби кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда мамнунмиз. Давлатимиз, элимизнинг ардоғида ҳаёт кечирмоқдамиз.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари тантанали равишда топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини изчил таъминлаш мақсадида, Яккасарой туманида ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофотларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.***

# ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, коллеж ва лицейлар, маҳалла гузарлари, корхона ва ташкилотларда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилаётган «Уч авлод учрашуви», «Фахрийлар эъзозда» каби маънавий-маърифий тадбирларда маҳаллалар аҳли, айниқса ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ». Дарҳақиқат бугунги кунда юртимизда ёши улуғ ҳамюртларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Истиқлол йилларида Хотира ва қадрлаш куни чинакам умумхалқ байрамига айланди. Хотира ва қадрлаш деганда Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган инсонлар ва хотирасини ҳеч қачон ёддан чиқармасдан, орамиздаги кекса нуронийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиб қадрлашимиз лозимлигини тушунамиз. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг минглаб баҳодир фарзандлари Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони бўлиб келдилар. Қанчадан-қанча ота-боболаримиз урушнинг шиддатли жанггоҳларида ҳалок бўлдилар. Шундай фидойиларнинг жасорати эвазига мана 70 йилдирки, бутун инсоният тинч ва мусаффо осмон, тўкин-сочин дастурхон, эмин-эркин ҳаёти билан яшаб келмоқда.

Лекин пойтахтимизнинг қоқ марказидаги Мустақиллик майдонида бир Она ҳали ҳамон ўз фарзандини, жигарбандини кутмоқда. Мотамсаро она фарзандини фронтга жўнатиб «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзларини қайта ва қайта айтиб турибди. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик — Ватанимиз фарзанди. Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Айнан шу борада Истиқлол йилларида 34 жилдлик «Хотира китоби» чоп этилди. Ватан учун жонини фидо этган ота-боболаримизнинг номлари «Хотира майдони»га ўрнатилган зарҳал дафтарга битиб қўйилди. Юртбошимиз «Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз», деган эдилар. Бу ерга зиёратга келган ҳар бир ватандошимиз албатта ўз жигари, ҳеч бўлмаганда қўни-қўшниси, қишлоқдошининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тиловату дуолар ўқиб, юзларига фотиҳа тортади. Ўтганларимизнинг охирати обод бўлсин. Ҳеч қачон дунёда уруш бўлмасин. Мотамсаро Оналар ҳам бўлмасин. Улар бундан кейин ўз фарзандларини қирғинбарот урушлардан ҳеч ҳам кутишмасин!

**Баҳодир ЮСУПОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот марказининг Яккасарой туман бўлими раҳбари**

***Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва пул мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.***

# ЭЪТИБОРДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан таклиф этилган уруш қатнашчилари, Ички ишлар вазирлигининг фахрийлари ҳамда раҳбарияти иштирок этди.

Халқимизда азалдан ўтганларни ёд этиш, Ватан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўзини фидо қилган инсонларни ёрқин хотиралар билан эсга олиш, борларини қадрлаш, ҳурмат ва эътибор қаратишдек эзгу фазилат бор. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон хотирасини қадрлашга берилаётган эътиборнинг яққол ифодаси эканлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

– 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга нечоғлик эътибор қаратилишининг яна бир далилидир, – дейди Ички ишлар вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Жўраев. – Хотира ва қадрлаш куни арафасида юртимизнинг барча жойларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Бунинг бари Ватан, халқимизнинг тинчлиги йўлида уларнинг кўрсатган жасорати туфайлидир. Уларнинг ҳаёт йўли бугунги кун ёшларига жуда катта ибрат бўлади.

Президентимизнинг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари уруш ва меҳнат фронти фахрийларига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда

Ушбу фармонларга асосан тадбирга ташриф буюрган фахрийларга вазирлик раҳбарияти «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Ўша пайтлардаги ҳаётни ҳозирги кун билан солиштирсангиз худди бир эртакка ўхшайди, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмат ота Тўхтаев. – Тинчлик ва хотиржамлик энг улуғ неъмат, энг катта бойликдир. Унинг қадрига етиш, тинчликни таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир катта-ю кичикнинг вазифаси. Мана шундай осойишта кунларда барчанинг ҳурмат-эътиборидалигимиздан бошимиз осмонда. Бизни эъзозлаётган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Тадбирнинг тантанали қисмидан сўнг санъаткорлар ва вазирлик ашула ва рақс ансамбли хонандалари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

**Абдували СОДИҚОВ**




***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир мазкур дам олиш маскани 48-ёзги мавсумининг очилишига бағишланди.***

Маданият

# БОҒ МАВСУМГА ШАЙ

Тадбирда, «Баркамол авлод» Республика болалар техник-ижодиёти маркази, Чилонзор туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг кўргазмалари, қизиқарли чиқишлари ва саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Чилонзор тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «Улуғбек юлдузлари» ансамбли хонандалари, «Дурдона» фольклор-этнографик жамоаси, «Жайҳун» қўғирчоқ театри актёрларининг бадиий дастурлари ҳам тадбирга ўзгача файз-тароват бахш этди.

— Боғимиз янги мавсумининг очилиш маросимига қизғин тайёргарлик кўрилди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг матбуот котиби Одинахон Холиқова. — Боғ ҳудудининг барча ўйингоҳлари, ёритиш тармоқлари, савдо ва маиший шохобчалари таъмирланиб безатилди. Дарахтларга шакл берилди, гуллар экилиб ҳудуд янада кўкаламзорлаштирилди. Иккала кўлнинг сувлари тозаланиб, қайиқларнинг хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. 66 та аттракционларимиз дам олувчилар хизматига шай турибди. Энг асосийси, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг маданий дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун боғимизда барча шарт-шароитлар кўнгилдагидек яратилган.

Ҳа, кишиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, болажонларимизнинг қувнаб, яйрашлари учун ушбу боғда шароитлар бисёр. Шаҳримизнинг кўрки бўлиб турган бу мўъжазгина маскан кўп йиллардан буён халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётининг сермазмун ўтишида ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаб, урф-одатларимизни жамлаб, маънавий-маърифий, тарбиявий соҳаларда олиб борилаётган ишларни тарғиб этиб, ўтказилаётган тадбирлар дам олишга келган юртдошларимизда, ёшларимизда катта таассурот қолдирмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳайкали қайта таъмирланиб, унинг ён-атрофи ва олд майдони янада кўркамлаштирилди. Боғнинг асосий кириш дарвозаси, йўлаклар ҳамда боғ ҳудуди қайта таъмирдан чиқарилиб, ёзги мавсумга шай қилиб қўйилди.

Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши муносабати билан боғнинг ижодий жамоаси томонидан кексаларимизга бағишланган спорт ва санъат байрамлари, маънавиятни юксалтирувчи давра суҳбатлари ва бир қатор қизиқарли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида янги мавсумнинг очилишига бағишланган тадбирдан лавҳалар**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси Лот № 1:

**Лот № 1-1 Шаҳардан ташқари «Кўксарой» мажмуаси («Конгресс-холл» ва 2-сонли Корпус олдидаги фаввора);**

**Лот № 1-2 «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги бино ва иншоотларини қайта таъмирлаш (мавжуд қозонхонани қайта таъмирлаш).**

объектлари бўйича танлов савдоларини (тендер)

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи ва қурилиш муддати:**

**Лот № 1-1 бўйича: 619 098 168 сўм ҚҚС билан, 515 915 140 сўм ҚҚС сиз;**

**Қурилиш муддати - 90 кун;**

**Лот № 1-2 бўйича: 1 098 944 049 сўм ҚҚС билан, 915 786 708 сўм ҚҚСсиз.**

**Қурилиш муддати – 300 кун**

**Лойиҳани молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.**

**Танлов савдолари ташкилотчиси:** Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишларига рухсат этилади.

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 % дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65. Ҳар бир Лот бўйича бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (бир юз минг) сўм. Савдо ташкилотчисига офераталарни тақдим этишнинг сўнгги муддати офераталарни очиш куни ва соатигача.

Оферталарни очиш қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 3, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кам бўлмаган муддатда.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2015 йил 15 майдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 52910,0 сўм/Г кал миқдорида ва ҚҚС билан 63492,0 сўм/Г кал миқдорида белгиланди.

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2015 йил 15 майдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

марказий иситиш — 941,14 сўм/м²/тақвимий (календарь) йил ойи (иситиш майдони);

иссиқ сув таъминоти;

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 11777,69 сўм/киши/ой

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 8761,46 сўм/киши/ой;

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 3015,87 сўм/м³ 1м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 300-сонли Қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтамиз:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади. (кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахслар бундан истисно).

**АҲОЛИ УЧУН:**

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган турар-жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффициентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

бир хоналик ва икки хоналик хонадонларда — бир киши учун;
уч хоналик хонадонларда — икки киши учун;
тўрт хоналик хонадонларда — уч киши учун;
беш хоналик хонадонларда — тўрт киши учун.

*ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

«Qurilish ta`mirlash xizmat ko`rsatish boshqarmasi» ДК маълум қилади, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархи ошиши муносабати билан 2015 йил 15 майдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 45084,30 сўм/Г кал, ҚҚС билан 54101,16 сўм/Г кал миқдорида белгиланади.

**УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

«Qurilish ta`mirlash xizmat ko`rsatish boshqarmasi» ДК шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2015 йил 15 майдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

— марказий иситиш — 936,44 сўм/м²/ой (турар жой майдони);

— иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаганда — 8025,00 сўм/киши/ой;

— иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоб бўлган тақдирда — 2366,92 сўм/м³

Асос: 07-ТГ-2015 сон реестр

# ТОШКЕНТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

***Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида каратэ бўйича клублар ўртасида II Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақада қитъамизнинг 20 га яқин мамлакатидан 450 нафар энг кучли яккакураш усталари ўзаро беллашди.***





Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси, Осиё каратэ федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Осиё чемпионати дастурига кўра эркаклар 6 та вазн тоифасида, қизлар эса 5 та вазн тоифасида якка ва гуруҳ бўлиб ката ва кумитэда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ушбу нуфузли мусобақада ҳар бир делегация 3 тадан клуб билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакатимиз шарафини 3 та клубдан 70га яқин спортчи ҳимоя қилди. Қитъа етакчилари деб эътироф этилаётган Эрон, БАА ва Қувайт жамоалари тўлиқ таркиб билан қатнашди.

Беллашувларнинг дастлабки кунида қизлар ўртасида 50 килограммгача вазн тоифасида Бахринисо Бабаева ва Нодира Мамадалиева бронза медални қўлга киритди. 61 килограммгача вазнда Барно Мирзаева кумуш медалга сазовор бўлди. Эркаклар ўртасида 55 килограммгача вазнда Фозил Собиров бронза медалини қўлга киритган бўлса, 67 килограммгача бўлган вазнда ҳамюртимиз Иқбол Узоқов финалда туркманистонлик спортчи Жайхун Аметов устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Мазкур мусобақага биз терма жамоамиз билан жиддий тайёргарлик кўрдик, — дейди кумуш медаль соҳибаси Барно Мирзаева. — Рақибларимиз жумладан, Қозоғистон ва Эрон терма жамоалари мусобақа давомида етакчи эканликларини амалда исботлашди.

Баҳсларнинг иккинчи кунида қолган вазн тоифалари бўйича спортчилар медаллар учун кураш олиб боришди. Унда ҳамюртларимиздан 55 килограммгача бўлган вазн тоифасидан қизлар жамоасида Дилноза Бакирова ва Мафтуна Самадова бронза медалига лойиқ кўрилди, 68 килограммгача вазн тоифасида Наргиза Мадарипова учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Замира Алиева иккинчи ўрин билан кифояланди. 68 килограмм вазнда Ҳилола Бадалова ҳамда Мадина Шокирова бронза, Дилфуза Ниёзова эса кумуш медаль билан тақдирланди. Эркаклар ўртасида эса 60 килограммгача вазнда Садриддин Сайматов олтин медаль соҳибига айланди.

— Чемпионат мен кутгандан кўра қийин кечди, — дейди клублар ўртасидаги II Осиё чемпионатининг бронза медали соҳибаси Ҳилола Бадалова. — Эрон терма жамоаси барча вазнларда муносиб қаршилик кўрсатди. Мусобақада ғолиб бўлолмаган бўлсам-да, совриндорлар қаторидан жой олганимдан мамнунман. Бу турнир биз каби ёш спортчилар учун ўзига хос маҳорат мактабидир. Энди Японияда бўладиган чемпионатга тайёргарликни бошлаймиз.

Жамоавий баҳсларда қизларимиз 1-Ўзбекистон жамоаси биринчи, Эрон иккинчи ва 3-Ўзбекистон командаси учинчи ўринни эгаллади. Умумий натижаларга кўра иккинчи бор ўтказилаётган клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида Эрон терма жамоаси биринчи ўринни, Ўзбекистон иккинчи ўринни ҳамда Қозоғистон терма жамоаси вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Жорий йилги мавсум спортчиларимиз учун ўта масъулиятлидир. Терма жамоамиз қатор халқаро турнирлар, жумладан, сентябрь ойида Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионати, сўнгра ноябрда Индонезия мезбонлик қиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этади. Клублар ўртасидаги II Осиё чемпионати юқоридаги мусобақалар олдидан жиддий тайёргарлик вазифасини ўтади.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

**Ислом Исмоилов олган суратлар**

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ПАРВОЗ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатни ривожлантириш, ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўтказилаётган бир қатор ижодий лойиҳалар, санъат ҳафталиклари, кўргазмалар, танловлар миллий тасвирий санъатимиз ривожи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган устозлар тажрибаларини ёш авлодга етказиш, миллий санъатимизнинг бебаҳо хазинасидан юртдошларимизни кенг баҳраманд этиш имконини бермоқда.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Тасвирий ва амалий санъат фестивали мустақиллик йилларида рассомлик ва дизайн, ҳайкалтарошлик, фотография, амалий санъат йўналишларида эришилган ютуқларни санъат ихлосмандларига намойиш этиш, эришилган натижаларни атрофлича муҳокама ва таҳлил қилиш, санъатга меҳри баланд ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган бу йилги фестивалда тасвирий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста-ҳунармандлар, дизайнерлар, санъатшуносларнинг ижод намуналари акс эттирилган туркум кўргазмалар бўлиб ўтди. Талабалар учун ташкил этилган маҳорат сабоқлари санъат оламига энди қадам қўйган ёш истеъдодларда унутилмас таассурот қолдирди. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи, Халқаро маданият карвон саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ҳайкалтарошлик, архитектура муҳитлари дизайни, амалий-декоратив санъат, халқ амалий санъати, дастгоҳли рангтасвир, графика, миниатюра, хаттотлик, театр ва кино рассомлиги, фотография санъати бўйича моҳир рассомлар ва ёш ижодкорларнинг энг сара ижод намуналари мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икромжонов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ҳайкалтарош Дамир Рўзибоев, кулол Назира Қўзиева ҳамда уларнинг шогирдлари шахсий кўргазмалари фестиваль иштирокчиларига ғоят манзур бўлди.

Жорий йилдан бошлаб юртимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган рассомларнинг асарлари билан пойтахтимиз аҳлини кенг таништириш йўлга қўйилди. Жумладан, фестиваль доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятлари рассомлари ижоди томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ишларига бағишланган спектакль-кўргазма, миллий либослар намойиши, болалар ва ёшлар бадиий жамоалари иштирокидаги концерт дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик бағишлади. Санъатшунослар, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари иштирокидаги анжуманлар санъатшунослик истиқболларини белгилаш, миллий тасвирий санъатимизни талқин ва тадқиқ этишнинг янги уфқларини белгилашда муҳим омил бўлди.

– Санъат анжумани янгича ёндашувларнинг юзага келиши, устоз-шогирдлар ўртасида янада кенгроқ мулоқот ўрнатиш, бадиий таълим соҳасидаги жараёнларни атрофлича таҳлил этиш имконини берди, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов. – Шу билан бирга, мамлакатимиз истеъдодларга нечоғли бой экани санъат байрами орқали яна бир карра намоён бўлди. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида ижод аҳлига кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

– Ҳафталик давомида кўплаб янгиликлардан бохабар бўлдик, – дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Бекмурод Намозов. – Талабаларнинг ижодий ишлари намойиш этилиши, устоз мусаввирларнинг ўгит ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш рассомликка энди кириб келаётган биз, ёшлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Фестивалда фаол иштирок этган мўйқалам соҳиблари, истеъдодли талаба-ёшларга диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Болалар спорти**

# ГИМНАСТРАДАНИНГ ЖАЖЖИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг ақлан етук ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар мавжуд. Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, айниқса бадиий гимнастика ёшлар ўртасида кенг оммалашмоқда.***

Шуни назарда тутган ҳолда ҳар йили Шайхонтоҳур туманидаги барча таълим масканларининг ёшлари ўртасида гимнастика мусобақалари мунтазам ташкил этиб борилади. Бу йил март ойидан бошлаб, Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ҳоким кубоги — 2015» гимнастрада мусобақасининг ҳудудлараро саралаш босқичлари ташкил этилиб, бадиий гимнастика бўйича энг яхши натижа кўрсатган жамоалар вакиллари мусобақанинг якунловчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Куни кеча Ўзбек давлат циркида «Ҳоким кубоги — 2015» гимнастрада мусобақасининг якунловчи туман босқичи ўтказилди ва ғолиблар аниқланди.

— Бизнинг «Қувноқ болалар» гимнастикачи қизлар жамоамиз ҳам мусобақага пухта тайёргарлик кўриб, «Энг жажжи гимнастикачилар» номинациясининг ғолиби бўлди, — дейди 445-мактабгача таълим муассасаси мудираси Марҳамат Холмирзаева. — Мактаб ёшигача бўлган болаларни спортга жалб этиш уларнинг соғлом фикрлаши, соғ-саломат ўсишига замин яратади. Ақлан етук болаларни вояга етказишда мактабгача таълим муассасасида нафақат тарбиявий, руҳий, балки болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юқоридаги каби ишларнинг амалга оширилиши болаларимизнинг келажакда комил инсонлар бўлиб етишишида муҳим омилдир.

Мусобақа якунига кўра тумандаги 76-МТМ Ҳоким кубогининг соҳиби бўлди. 497-МТМ «Энг яхши оригиналлик», 458-МТМ эса «Ғолибликка интилувчи жамоа» номинациялари бўйича муваффақиятга эришдилар. Шайхонтоҳур тумани ҳокими юқоридаги барча мактабгача таълим муассасалари жамоаларига эсдалик совғаларини топширди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***Юртимизда оммавий спорт ривожига муҳим эътибор қаратилиб, аҳолининг барча қатлами ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар, турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.***

# ВЕЛОМАРАФОН ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилаётган мусобақаларнинг алоҳида ўрни бор. Айни кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида «Касаба-ТУР» веломарафони қизиқарли тарзда ўтказилди.

43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Чилонзор туманида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ҳаваскор велоспортчилар иштирокида «Касаба-ТУР» веломарафонининг туман босқичи бўлиб ўтди. Мусобақа Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ташкил этилди.

— Ушбу веломарафонда юзга яқин ҳаваскор спортчилар иштирок этди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши раиси Ўлмасхон Қаҳҳорова. — Мусобақани ўтказишдан мақсад корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, уларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш, велоспортнинг оммавийлигини оширишдан иборатдир.

Веломарафон қизғин ўтиб, иштирокчилар ўз рақиблари билан муросасиз беллашдилар. Мусобақани кузатган ҳакамлар ҳайъати аъзолари ғолибларни аниқлаб, эълон қилишди.

Ушбу муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида биринчи ўринни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази» давлат муассасаси ходими Лазиз Муродов эгаллаган бўлса, аёллар ўртасида ғолиблик Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Чилонзор Ўқув СТК» унитар корхонаси ходими Екатерина Кондаковага насиб этди. 35 ёш ва ундан катта эркаклар орасидан Махсус суғориш ускуналарини таъмирлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бошқарма ходими Леонид Букотин, аёллардан 1-Тошкент педагогика коллежининг ўқитувчиси Нодирахон Хўжамовалар биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди ва улар турнирнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

**Зафар НАЗАРОВ**


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

***ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ 2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИГА ПРОФЕССОР, ДОЦЕНТ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР (АССИСТЕНТ) БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***

1. «Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш ва эксплуатация қилиш» кафедраси — профессор.
2. «Транспорт логистикаси ва ҳаракат хавфсизлиги» кафедраси — доцент.
3. «Кўприклар ва транспорт тоннеллари» кафедраси — доцент.
4. «Автомобиллар техник эксплуатацияси» кафедраси — катта ўқитувчи.
5. «Чет тиллари» кафедраси — катта ўқитувчи.
6. «Касбий таълим» кафедраси — ассистент.
7. «Чет тиллари» кафедраси — ўқитувчи.
8. «Жисмоний тарбия ва валеология» кафедраси — ассистент.
9. «Чизма геометрия ва графика» кафедраси — ассистент.
10. «Автомобиллар техник эксплуатацияси» кафедраси — ассистент.
11. «Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси» кафедраси — ассистент.
12. «Транспорт логистикаси ва ҳаракат хавфсизлиги» кафедраси — ассистент.

**Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:**

- Ректор номига ариза;
- Шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати;
- Паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар даврий матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй.

ТАЙИ, Ходимлар бўлими, 156-хона. Тел: 232-15-29.

UZTELECOM

*Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

***ДУК «СУВСОЗ» «ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШК***

*Электроэнергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2015 йил 15 майдан тижорат ва саноат корхоналари учун таърифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:*

*Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 320 сўм, ҚҚС сиз.*

*Оқава сув бўйича — 1м³ учун 176 сўм, ҚҚС сиз.*

***ДУК «СУВСОЗ»***

*энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2015 йил 15 майдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сувларнинг таърифларининг қайта киритилишини хабар қилади:*

*Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 150 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.*

*Оқава суви бўйича — 1м³ учун 96 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.*


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **1 май** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10 метр, момақалдироқ пайтида 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —12-14, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 май** ва **2 май** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11431 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5